# СИЁСИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

*Мурод* ШАРИФХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби

1991 йилнинг 29 декабри Ўзбекистон мустақиллигининг, унинг биринчи Президенти ҳуқуқий йўл билан сайланган-тасдиқланганлиги билан тарихга кирди.

Республика мустақиллиги бир томондан шу давлат субъекти ҳисобланмиш фуқаролар томонидан тасдиқланган бўлса, иккинчи жиҳатдан АҚШ, Англия, Канада, Туркия, Хитой каби жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакатлари тарафидан тан олинди. Ишончим комилки, яқин вақт ичида республикамизни бутун жаҳон давлатлари танийдилар, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қонуний аъзоси ҳам бўлади.

Маълумки, мустақилликни, эркинликни ҳеч ким, ҳеч қачон бировга шундайлигича бермайди. У кураш билан олинади. Курашлар билан қўлга киритилган мустақиллик эса айни вақтда республика зиммасига оғир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммолар, қийинчиликларни юклади.

Ижтимоий ҳаётда давлатлар мустақиллигининг ўзи нисбийдир, чунки улар ўзаро иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муносабатлардан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Муносабатлар силсиласида мустақил давлатлар ўзаро муносабатларнинг зарурлигини, бошқа давлатлар манфаатларини қаттиқ ҳисобга олиш кераклигини бениҳоя даражада англашлиги, улар билан муносабатни кенгайтириш, чуқурлаштириш, уларни ўзидек кўриш, ҳис этишлиги талаб қилинади. Бу жараёндаги изчиллик ва сиёсий маданиятлилик республика мустақиллиги доирасини янада кенгайтиради, унинг обрўсига обрў қўшади.

Мустақиллик халқимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассам қилган қадрият сифатида, биринчи галда республика фуқаролари сиёсий фаолиятининг, демократик жараёнларнинг натижасидир. Мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий қадрини мустаҳкамлаш учун республикада кўппартиялиликка, демократик фаолиятга, партиялараро мулоқотга кенг йўл бериб, халқнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган барча тадбирларни қонунга асосланиб, қонун доирасида олиб бормоқ керак. Акс ҳолда бош-бошдоқсиз, демократия учунгина яралган демократия мустақилликни хароб қилади, фуқаролар урушига, диктатуранинг ўрнатилишига олиб келади.

Сўзсиз, келажак бугундан бошланади. Биз бир кунда демократ бўлиб қолишимизнинг ҳеч иложи йўқ. Қонимизда 130 йилдан ортиқроқ ҳукмрон бўлган мустамлакачилик асоратлари, қаллоблик ва зўравонликка таянган «маъмурий социализм» қаттиқ ўрнашиб олган. Шунинг учун мустақилликнинг демократик руҳи халқ қалбига қаттиқ курашлар орқали кириб боради, айни вақтда халқнинг ўзи ана шу демократик қадриятларни бир қатор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тўсиқларни енгиш жараёнида яратиб боради. Бунинг учун халқимиздан юксак онглилик, фидойилик, бир тан ва бир жон бўлиб курашиш, турли қарашлару фикрларни бир мақсад йўлида уйғунлаштириш талаб қилинади.

Мустақиллик иқтисодий, сиёсий ва маънавий заруриятларни англаш ҳамдир. Бу ўринда республика ҳудудидаги ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурсларни ўзимизники қилиш, уни кўз қорачиғидек сақлаш, кўпайтириш учун барча имкониятларни ишга солган ҳолда меҳнат қилиш катта аҳамиятга эга. Шундай ҳолда жаҳонда тенги йўқ ўзбек тупроғи, суви, ҳавоси ва офтоби оҳанрабога, битмас-туганмас фаровонлик манбаига айланади, қорнимизни тўқ, устимизни бут қилади.

Мустақиллик шароитида республика маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтириш, илму фанимиз, адабиётимиз, санъатимизни умумбашарий майдонга олиб чиқиш, қадимдан ҳудудимиз халқларига хос бўлган, катта ҳарфлар билан ёзилган Одамгарчилигимизни, Инсонпарварлигимизни янги мазмун билан бойитиб, эл-юрт ҳавас қилса арзигулик даражага кўтармоғимиз лозим.

Республикамизнинг кўпчилик аҳли бир овоздан И. А. Каримовни «жумҳуриятнинг биринчи Президенти қилиб сайлади. Биринчи бўлиш ҳамиша қийин. Айниқса Ислом Абдуғаниевичга. Чунки у кишига ишни, бир томондан, жумҳурият иқтисодиёти даражаси кундан кунга тушиб кетаётган, қимматчилик ва етишмовчилик тўхтовсиз кўтарилиб бораётган, иш тополмаётганлар сони ошиб, рэкэт, мафия, чайқов сингари иллатлар орқали бир ҳовуч кишилар катта бойликлар орттираётган, шаҳарларимизда, қишлоқларимизда аксинсоний кишилар, гуруҳлар томонидан талончилик, зўравонлик тобора авжига чиқаётган, етим-есирлар, ногирон кимсалар, кўп болали оилалар иқтисодий аҳволи кескин оғирлашиб бораётган даврда; иккинчидан эса, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик партия-давлат тизими давридан мерос қолган иқтисодий, ижтимоий муносабатлар, қарашлар, қимматлар, мафкура қон-қонига сингиб кетган, янгича гапириб, эскичасига ишлайдиган анчамунча раҳбарлар, фуқаролар билан бошлашга тўғри келди. Бу, очиғини айтиш керак — жуда катта масъулият. Аҳамиятлиси шундаки , бу масъулиятни Президентга жумҳуриятнинг соғлом фикрдаги, мустақил республиканинг бахти, келажагига ишонган, ўзларини бағишлаган миллион-миллион фуқаролари ўз хоҳишлари билан гувоҳлик бериб ишониб топширдилар. Шунинг учун республика олдида турган барча мураккаб вазифалар, ишонаманки, Президент ва халқнинг узвий бирлигида пешма-пеш ҳал қилиниб бориларверади.

Мана кейинги икки ярим йил ичида шу бирликнинг меваларини пахта якка ҳокимлигига қарши очиқдан-очиқ курашда, 350 минг гектардан ортиқ ернинг аҳолига шахсий томорқа сифатида берилишида, фермер хўжалигини, тадбиркорлик билан иш юритиш, шаҳар, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуш шароитини тубдан яхшилашда, камхарж оилаларни ижтимоий ҳимоялашда, қисқаси — инсоннинг инсоний ўринга қуйилишида ва бошқаларда кўрмоқдамиз. Бу ишлар ҳали кучли марказ ўз қудратини йўқотмаган, йўқотишни хаёлига ҳам келтирмаган пайтлардан бошланган эди. Бу ишларни ўзига ишонган, мард, халқига садоқатли, ўзгаларнинг ғам-ташвиши билан яшай оладиган халқ ва Президент бирлиги амалга ошириши мумкин, холос.

Президент ўз нутқлари, дастурлари билан эмас, балки амалий иши билан қадрланади. Амалий фаолият унинг кимлигини, ахлоқи, одоби, имонининг қай даражада эканлигини тасдиқлайди.

Республика бошидан кечираётган оғир дамларда Президент халқни ўзининг инсонийлиги, меҳнатсеварлиги, одиллиги, донолиги, ғайратлилиги, мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳолатни тезда аниқ ҳис қила олиши, улардан назарий хулосалар чиқара билиши, чўрткесарлиги, ўзи ишонган нарсага бошқаларни ҳам ишонтириши билан аниқ мақсад сари етаклаши мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, Президент қанчалик салоҳиятга эга бўлмасин, у ҳам барча сингари бенуқсон эмас. Маълум зиддиятли ҳолатларда у масалага мутлоқ бетараф оллоҳ эмас, балки биз билан елкама-елка курашаётган, ишлаётган инсон сифатида ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Лекин ҳамма гап муаммонинг кўпчилик қадр-қиммати, ҳузур-ҳаловати, тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилган ҳолда ечилишидадир.

Президентнинг қуввати унинг президентлигидагина бўлмай, шу билан бирга халқининг унга ишонишидадир. У ўз халқидан куч олади. Лекин президентликнинг амалга ошишида парламент, ҳукумат аъзолари, вазирларнинг ўрни бениҳоя катта. Президентни Президент қиладиган ҳам, уни улуғлайдиган ҳам, юзини ерга қаратадиганлар ҳам, саройда тўнтариш қиладиганлар ҳам биринчи галда шулардир. Бинобарин, Президент ўзининг уюшган, ҳамфикр, жасур маслакдошларига, бошқарув командасига эга бўлса, бу команда бир қўли билан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий томирини ушлаб турса, иккинчи қўли билан заҳматкаш зиёлиларимиз хизматидан баҳраманд бўлса, республиканинг танг аҳволдан олиб чиқишнинг муҳим воситаларидан бирига айланади.

Жумҳуриятдаги хилма-хил қийинчиликлар, эртанги кунга ишончнинг кун сайин сўниб бораётганлиги мамлакатда тартиб ўрнатишга, одамларнинг қорнини тўқ, устини бут, хонадонини тинч этишга қодир кучли ҳокимиятнинг, қаттиққўл раҳбарнинг керак эканлигини тақозо қилмоқда. Лекин бу қаттиққўллилик қандай бўлмоғи лозим? Кечаги тарихдан биламизки, кучли ҳокимият бошқарув бошқа силсилаларидан ажралса, авторитар режимга, диктатурага айланиб қолса, қонун чиқарувчи, ижроия, суд маҳкамалари бир-бири билан чирмашиб, қўшилиб кетса борми, бу ҳол жамиятни парокандаликка олиб келади. Ҳозирги кунда ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тўсиқларидан бири қонун чиқарувчи, ижроия, суд тизимларининг ҳар қайсиси ўз-ўзича мустақил кучли ҳокимият даражасига етмаганлигида бўлса керак. Шунинг учун ҳам жойларда вилоят, район, шаҳар кенгашлари, уларнинг ижроия комитетлари, ҳокимларнинг ўзаро умумий тил топишлари қийин бўлмоқда. Ёпиқ тарзда амал талашиш кетмоқда. Ҳар бир тўра ўз ўрнини сақлаш, уни мустаҳкамлаш билан овора. Улар ўз манфаатларини ўйлаб бозор муносабатларига ўтиш учун керакли тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқдалар. Бундай ҳол айни вақтда иқтисодга яна илгариги волюнтаристик, авторитар раҳбарликнинг қайтиб келиши хавфини туғдирмоқда.

Бугун ҳаммага кўзгудагидек равшанки, иқтисодий тараққиётимизнинг бирдан-бир йўли бозор муносабатларига ўтишдир. Бунинг учун Президентимизга қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари мустақиллигини қарор топтиришда, мамлакатни ижтимоий-ҳуқуқий давлатга айлантириш, шу йўл билан зўравонликларга, ноҳақликларга чек қўйишда, бозор иқтисодига ўтиш учун барча имкониятларни вужудга келтиришга кўмаклашмоғимиз керак.

Жумҳурият мустақиллиги заминини миллий мулкка эгалик, миллий манфаатга мос келувчи ишлаб чиқариш тизимларини, миллий валютага, хазинага, эркин, қадр-қимматли пулни, кредит-банк силсиласини яратиш, жаҳон бозорига бемалол чиқа билиш, валюта-кредит муомалаларини мустақил бажариш, хорижий давлатларга чиқариладиган маҳсулотларга эмин нарх қўйиш каби иқтисодий омиллар ташкил қилади.

Мустақиллик мезони мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан, охиргиси эса, ўз навбатида, иқтисодий муносабатлар табиатидан келиб чиқади. Бугунги кунда иқтисодий муносабатларни белгиловчи ўқ илдиз турли хилдаги мулкчилик шаклларини қарор топтириш, кишиларга эркинлик бериб, тадбиркорликка кенг йўл очиб, бозор муносабатларига тезроқ ўтиш бўлиб қолди.

Албатта, жумҳуриятнинг бозор муносабатларига кириб бориши ўз-ўзлигича, осонликча кўчмайди. Чунки бизда бозорга ўтишга халақит берувчи бир неча омиллар бор. Шулардан энг муҳими «буюк социализм башорати» билан ҳамманинг кўр-кўрона тенглиги тўғрисидаги афсонавий ижтимоий фикрдир. Бу ақидага кўра мулк хилма-хиллиги, бозор муносабатлари халқни албатта капитализмга олиб боради, натижада бой-бойга, камбағал-камбағалга ажралади. Шунинг учун ёмон бўлса ҳам, камбағал яшасак ҳам эски тартиблар бизни қониқтиради, ҳеч қандай бозор бизларга керак эмас деган даъво яроқсиз ва зарарлидир. Иккинчиси яна шу социализмдан мерос бўлиб қолган иқтисодий муносабатларни марказдан буйруқлар асосида бошқариш. Буларни бартараф қилиш узоқ муддатни ўз ичига олади. Лекин бунга дадил, оммавий киришиб, халқимизни иқтисодий саводсизликдан олиб чиқишимиз, одамларни оддий ижрочилардан уста, ўз-ўзини бошқарадиган ишбилармонларга айлантирмоғимиз керак.

Бозор муносабатларига ўтишимизга бизга ўрнак бўлишга қодир бир неча мамлакатлар бор. Айниқса, Туркия Президенти Турғут Ўзол кашф этган «турк модели» қўл келиши мумкин. Тўғри, бозор иқтисодиёти ўзига хос маданият сифатида узлуксиз, асрлар давомида сурункасига вужудга келувчи, камол топувчи қадриятдир. Бизнинг жумҳуриятимизга унинг туғилиши алоҳида шаклу шамойилда амалга ошади. Чунки бунда бир жиҳатдан биздаги миллий иқтисодий анъаналар, иккинчи томондан социалистик иқтисоддан мерос қолган талайгина асоратлар бор. Шунинг учун биз жаҳон тажрибасига суяниб, имкониятларимиздан келиб чиқиб ўз иқтисодий йўлимизни танлаб оламиз.

Қисқа вақт ичида хилма-хил мулкчилик кўринишларини қарор топтириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, корхоналар ва хўжаликларга эркинлик бериш, уларни ҳар қандай тазйиқдан қутқариш, ажнабий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар бунёд этиш, юртимизга чет эл сармоясини киритиш ва шулар орқали хўжалигимизга замонавий технологияни олиб келишга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Мазкур чоралар осонликча амалга ошмайди. Жамиятда содир бўладиган очиқ, қаттиқ рақобатга аҳолининг кўпчилиги дастлабки пайтларда чидаш беролмайди. Шундай ҳолатда кўп болали оилаларни, ногиронларни, бозор иқтисоди зарбаси остида қолганларни, ўзини ўзи ўнглаб ололмайдиганларни, жумҳуриятимизнинг ёрдамга муҳтож кишиларини Президент ва ҳукумат ўз паноҳига олишлари иқтисодий тараққиётимизнинг ўзига хос томонларидан биридир.

Бугунги кунда бир тоифа одамларнинг чексиз бойиб, бошқа доирадагиларнинг эса камбағаллашиб кетишларига қарши, ички бозорни ҳимоя қилиш, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича чоралар кўрилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси, биринчидан, аҳолининг бозор муносабатларига ўтишида ўзларини ўнглаб олиши, иккинчидан, энг муҳими бозор муносабатларига уларнинг фаол кириб бориши учун яратилган шарт-шароитдир. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас» дейди халқимиз, аҳоли қандай шарт-шароитда яшамасин, агар у ишлаб чиқаришда қайси бир даражада иштирок этмаса, уни узоқ вақт ҳеч қачон, ҳеч ким очликдан, хўрликдан сақлаб қололмайди. Чет эл садақасига, ёрдамига кўз тикиб ётиш, тайёр нарсаларнигина пуллаш билан кун кечиришга мослашиш ҳалокатнинг аломатидир.

Ҳа, бозор муносабатларининг ўз мантиқи бор. Ким кучли, ақлли, тадбиркор, саводли, ҳунарманд, чўрткесар, меҳнатсевар, таваккалчи, тўғри бўлса, у яхши яшайди, бойийди. Кимки танбал, ишёқмас, ҳунарсиз ва илмсиз, у албатта қашшоқликка маҳкум. Бозор ҳар бир инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун кенг имкониятлар яратди. Бу эса ўқув-тарбия ишларимизнинг кўп жиҳатларини қайта кўриб чиқишимизни талаб қилади. Болаларни ёшлигидан тадбиркорликка, ишбилармонликка, эркинликка ўргатмоғимиз, халқни узоқ вақт қийнаган «ўзбекларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди» деган «тафаккур» сиртмоғидан олиб чиқмоғимиз, ватандошларимизни Япония, Туркия, Германия фуқаролари сингари билимдон ва ишчан кишилар даражасига олиб чиқмоғимиз керак.

Бозор муносабатларига ўтиш ҳар томонлама жиддий тайёргарликни талаб қилади. Шулардан энг муҳими ана шу ўтишнинг заруриятини англаш, бу жараён мураккаб эканлигини, қатор иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларни бошдан кечиришга мажбур этишини тушунишдир. Инқилобий бу сакраш собиқ иттифоқнинг эндиликда мустақил республикалари билан маълум даражада боғлиқ эканлигини, охиргининг ижобий, айни вақтда салбий жиҳатларга эга эканлигини ҳам назарда тутмоғимиз керак.

Масалан шу йилнинг 16 январидан бошлаб жумҳуриятда нархларни эркинлаштиришга ўтдик. Аслида уларнинг эркинлашувидан кўра кўтарилишини кузатмоқдамиз. Ҳар ҳолда халқимиз турмушининг муҳим жиҳати бўлган нарх-наво оламида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хўп, бу ҳолат фақат жумҳурият раҳбарияти хоҳишию иқтисодий ҳаёт тақозоси билангина содир бўлдими? Йўқ. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа республикаларда нархларнинг эркинлаштирилиши жумҳуриятимиз иқтисодини четлаб ўтиши мумкинми? Йўқ. Агар озиқ-овқат, кийим-кечакнинг 50 фоизини, нефть маҳсулотларининг 90 фоизини, техника ва технологияга алоқадор нарсаларнинг катта қисмини четдан олиб келсак, уларнинг нархи фоиз ҳисобига эмас, 5,10, ҳатто ундан ҳам кўп ортиб кетган бўлса, жумҳуриятдаги илгариги нархни ушлаб туриш мумкинми? Албатта, йўқ.

Эркин нарх-навога ўтиш бозор иқтисодиётига кўчишнинг муҳим қисми эканлигини яхши биламиз. Одатда нархлар эркинлиги, мулкчилик хилма-хиллиги эркин ишлаб чиқариш рақобатининг маҳсули бўлмоғи керак. Бугун эркин нарх-наво ҳали моддий неъматларни эркин ишлаб чиқариш билан боғланмаган ҳолда, тўғрироғи — ташқи иқтисодий муҳитнинг жиддий таъсири остида амалга ошди.

Республика учун кутилмаган мазкур жараён қатор мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, 16-17 январь кунлари Талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган нохушликларнинг сабаблари жуда кўп ҳолатлар, манфаатлар билан боғлиқ эканлиги аён. Аммо бунга баҳона тарзида 16 январдаги кутилмаган тақчиллик, қимматчилик, қатор ноқулайликлар кўрсатилишини олайлик. Ахир бунга йўл қўймаслик мумкин эди-ку. Эркин нарх чоралари тўғрисидаги республика ҳукумати тадбирларини сал олдинроқ эълон қилиш, аҳолини унга моддий ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш, мабодо Талабалар шаҳарчаси ҳақида гапирсак, ёшларнинг турмуш шароитини яна бир марта кўриб чиқиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Нархларни эркинлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорида кўрсатилган қатор олижаноб тадбирларни эртароқ амалга оширишнинг иложи топиларди-ку. Афсуски...

Бу ҳолат назаримда ҳаммамизни ҳушёрликка, масъулиятни жиддий ҳис қилишга, иқтисодий, сиёсий ҳаётни синчковлик билан фаол таҳлил қилишга, эртанги куннинг келишини, тўғрироғи — оқибатини ҳисобга олиб қадам қўйишга ўргатмоғи керак. Бозор муносабатлари таваккалчиликни эмас, балки жиддий ҳисоб-китобни таҳлилни, олдиндан кўра билишни, ҳалолликни, мардликни, қатъий интизомни ҳам талаб этади.

Узрли ва узрсиз омиллар ҳисобига вужудга келаётган иқтисодий қийинчиликлар жумҳуриятдаги барча имкониятларни элакдан ўтказиш, улардан фойдаланишнинг барча воситаларини кенг кўламда ишга солиш заруратини туғдиради. Шулардан бири ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, ишсизлик даҳшатининг олдини олишдир.

Иқтисодчиларимиз ҳисоб-китобларига қараганда жумҳуриятда ишсизлар сони кўпаяди. Бунга йўл қўймаслик учун менинг назаримда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, корхоналарни хусусийлаштириш, турли-туман мулк шаклларини қарор топтириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда каттаю кичик корхоналарни вужудга келтириш, эркин минтақалар барпо этиш, чет эл маблағининг катта миқдорда кириб келишини таъминлаш лозим. Бундан ташқари иқтисодий тараққиёт йўналишларини ўз вақтида, тўғрироғи — олдиндан тўғри аниқлаб олиш ва ишчи кучларини шунга қараб тайёрлаб бериш, уларнинг эркин тақсимланишига шароит яратиш бу масалани оқилона ҳал қилишга кўмаклашади. Бугунги кунда ишчи кучларига талабу таклифни уюштирувчи ташкилотлар алоҳида-алоҳида ишламоқдалар. Бугун уларнинг фаолиятини тезроқ мувофиқлаштириб, замонавий компьютерлар ёрдамида узвий боғлашимиз, самарадорлигини оширмоғимиз зарур.

Жумҳуриятимиз бой заминга эга. Унинг ери олтин билан баробар. Назаримда масала ана шу зар унар ерни авайлаб, асраб ишлашдадир. Биз турғунлик йилларида қўриқни аёвсиз ўзлаштирганлигимиз билан мақтаниб юрдик, шу ҳисобга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, ҳосилдорлик тобора ошиб бормоқда, деб гердайдик. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўпгина хўжалик раҳбарлари ҳозир ҳам эскича тафаккур билан ишламоқдалар, иқтисодий масалаларга енгил-елпи ёндошмоқдалар. Биз ердан унумли фойдаланишга, унинг ҳар бир қаричини қадрлашга ўрганмас, меҳнаткашнинг қўл-оёғини ечиб қўймас эканмиз, халқимизни бадавлат қила олмаймиз.

Умуман жумҳурият қишлоқ хўжалигининг бозор муносабатларига кириш шароитидаги истиқболлари кўпчиликни ташвишга солаётганлиги табиий ҳол. Масалани ҳал қилиш бўйича айримлар колхоз ва совхозларни зудлик билан тугатиб, уларнинг ерларини ва бошқа моддий бойликларини деҳқонларга тарқатиб беришни ва ҳатто сотиб юборишни таклиф қилсалар, баъзилар бунинг аксини таклиф қилишмоқда. Назаримда масалага оқилона, одилона ёндашиб, уни жумҳурият қишлоқлари аҳолисининг аҳволини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт даражасини, бундан кейинги ривожланишига сарф қилиниши кутилган сармоянинг ҳажмини ҳамда хоҳлаймизми, йўқми хўжалигимизнинг истиқболини белгилайдиган бозор муносабатлари механизмларини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқ керак. Чунки шошма-шошарлик билан колхоз-кооператив ва давлат мулкини бирдан тугатиш ўринсиз бўлиб, катта зарар келтириши эҳтимол. Ўтиш даврида бу мулклар иқтисодий мустақиллик учун таянч бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларнинг фермерларга ва бошқа шу турдаги хўжаликларга ҳар жиҳатдан ёрдами катта. Келажакда бу мулклар асосида деҳқонлар, совхоз ишчиларининг ассоциациялари, ўз ҳиссаларига эга бўлган мулкдор деҳқонларнинг янги шаклдаги умумий хўжаликлари пайдо бўлар. Булар иқтисодий тахминлар, албатта. Бугун биз саноқли йиллар ичида Ўзбекистон деҳқончилигини тубдан ўзгартириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳақида бош қотиришимиз керак.

Шу ўринда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, шу орқали унинг турмуш даражасини ошириш ҳақида ҳам айрим фикрларимни баён қилмоқчи эдим. Жумладан, биринчиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳатто жумҳуриятдаги йирик шаҳарларга ҳам ташиб ўтирмасдан, ишлаб чиқарилган ҳудуднинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиши лозим. Бунда хусусий кичик корхоналар, чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар қуришга зудлик билан киришиш зарур. Уларни мобил солиқлар орқали рағбатлантириш катта фойда беради. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишининг мавсумийлигини ҳисобга олиб шартнома асосида унга кўплаб шаҳарликларни жалб қилиш, шароит яратиш, экинтикин йиғиштириб олингандан кейин аҳолининг ўз уйида ишлаб чиқариш билан шуғулланиши учун кенг имкониятларни вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга. Учинчидан, азалдан қишлоқ аҳли ўз ҳунарлари маҳсули — дўпписи, чойшаби, этик-маҳсиси, пичоғи, кулолчилиги, дурадгорлиги билан машҳур. Халқнинг бу амалий фаолиятига бозор руҳини бериш қишлоқ аҳолиси орасида ишсизликни анча қисқартиради. Тўртинчидан, биз шаҳарларимизда прописка масаласини тезроқ инсонийлаштиришимиз, маданийлаштиришимиз керак. Жумҳурият ичидаги кўчиш (миграция)нинг кучайишига ҳуқуқий шароитни кенгайтириш зарур.

Жумҳуриятда пул муомаласини соғломлаштириш шарт. Ўзбекистон яқин йилларда ўзининг миллий валютасига эга бўлиши табиий. Лекин бу мураккаб жараённинг дастлабки босқичларида муомаладаги купоннинг моҳияти жуда катта.

Миллий пул белгисининг муомалага киритилиши талай қулайликлар ва иқтисодий афзалликлар беради. Жумладан у аксилинқирозий тадбир ҳисобланиб, Ўзбекистон миллий бозорини қадрсизланган пуллар ҳужумидан ҳимоялайди, пулни товар билан таъминлаш даражасини сақлаш учун хизмат қилади, пул қадрининг янада тушмаслиги, аҳоли пул даромадининг кўпайиши имконини ҳам беради. Қисқаси, пул қадрини сақлаб қолишимиз, аҳолини пул топишга қизиқтиришимиз, пулдан пул ундиришга ўрганишимиз лозим.

Ўзбекистоннинг мустақиллик сиёсати чет эл капиталининг катта миқдорда кириб келишини талаб ҳам қилади. Бу эса, айрим ўртоқлар ҳисоблаганларидек мустақилликка раҳна солмайди. Чунки ҳар икки томонга ҳам манфаатли шартлар билан хориждаги маблағларни жалб этиш Ўзбекистон иқтисодиётининг ўстиришни таъминлайди. Чет эл капитали ўзи билан илғор техника ва технологияни, бой ишлаб чиқариш тажрибасини ҳам олиб келади. Хориж фирмаларининг алоқаларидан фойдаланиб жаҳон бозорига ҳам чиқишимиз мумкин. Шу боисдан хориждаги ишбилармонлар капиталининг эркин силжишига, унга ҳеч ким тажовуз қилмаслигига ишончли кафолатни бермоғимиз керак.

Бизнинг ишчиларимиз, инженерларимиз, иқтисодчиларимиз чет эл техника ва технологиясидан фойдалана билишлари лозим. Бу айни вақтда ўқув-тарбия ишларимизни, болалар боғчаларидан олий ўқув юртларигача бўлган бўғинларининг ҳаммасида тубдан янгилашни талаб қилади. Биз жаҳоний рақобат бозорига чиқар эканмиз, шу ердаги рақобатга тайёр, шу рақобатда ғолиб чиқишга қодир меҳнаткашларга эга бўлмоғимиз керак. Бунинг учун биринчи галда бўлажак меҳнаткашнинг ўзи ўз касбидан манфаатдорлигини англаши, ўзини ўзи назорат қилиши, ўзини-ўзи сафарбар этиши, уюштира билиши талаб этилади. Бу соҳага ҳам бозор муносабатлари кенг кириб келмоғи лозим.

Қисқаси, Ўзбекистон Республикаси мустақилликни бозор иқтисоди шароитида қўлга киритиши керак. Шу сабабли унинг асосий шарти бўлган иқтисодий эркинлик, тижорат ва ишбилармонликка кенг йўл очмоқ зарур. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг энг муҳим шарти бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва корхоналарни хусусийлаштиришни жумҳурият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тезлаштириш лозим.

*Мактаб тавсия этади*

## ТАЛАБАЛИККА ТАНЛАШНИНГ АДОЛАТЛИ УСУЛИ

ХОРАЗМ давлат муаллимлар олий илмгоҳида талабаликка қабул қилишнинг янги, адолатли усули қўлланилмоқда. Ҳар бир куллиётда ихлосманд, қобилиятли ва истеъдодли ёшларни талабаликка танлаш ва тарбиялаш бўйича методик комиссиялар иш бошлади.

Институтга кириш учун «Очиқ эшиклар куни» эндиликда йилига бир-икки бор эмас, ҳар куни ва исталган вақтда ўтказилади. Бўлғуси талабалар ўзлари хоҳлаган пайтда куллиётларга келишлари, маслаҳат ва йўл-йўриқ олишлари, кўникма ҳосил қилишлари учун имкон яратилади. Бундан ташқари методик комиссияларнинг аъзолари ҳам жойларга бориб истеъдод эгаларини аниқлайдилар, таълим-тарбия ишлари ва ёшларнинг турмуш шароитлари билан танишадилар. Талабаликка даъвогарлар билан ҳар хил қизиқарли учрашувлр, баҳс ва синов кечалари ҳам мунтазам ўтказиб борилади.

Йил бўйи давом этадиган ўзига хос ана шу танловга қабул имтиҳонлари арафасида якун ясалади. Методик комиссиялар тавсия этган ёшларга институт фахрий ёрлиқлари, диплом ва шаҳодатномалари топширилади. Синовлардан муваффақиятли ўтганлар ўқишга киришда кўпгина имтиёзлардан фойдаланадилар.

Талабаликка қабул қилишда олий билимгоҳ билан ҳамкорлик қилиб келаётган Шовотдаги Ал Хоразмий номли ва Урганчдаги Халил Сиддиқов номли ёш математиклар ва физиклар мактаб-интернатлари ҳамда вилоят марказидаги тарих, тил-адабиёт лицейи муаллимлар жамоаларининг тавсиялари ҳам инобатга олинади.

Эркин БЕКМАТОВ.

## Пойтахт ҳаёти

### ХАРИДОРИ КЎП ЭКАН

ЎСИМЛИК қолдиқлари, ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа дағал хашаклар аралашмасидан тайёрланган омухта емнинг довруғи қисқа фурсатда оламга ёйилди. Қўшни Тожикистон, Қирғизистон чорвадорлари сўраб келишди.

Яқинда Ҳиндистоннинг «Шри-Экспорт» фирмаси мутахассислари, экспертлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг микробиология илмгоҳига ташриф буюришди. Мақсад ана шу технология билан яқиндан танишиш, унинг самараси, истиқболи хусусида муаллиф фикрларини билиш эди. Меҳмонлар биология фанлари доктори Жамолиддин Тошпўлатовнинг суҳбатидан қониқиш ҳосил қилишди. Сўнгра Ҳиндистонда қўшма корхона очишни таклиф этишди. Шартлар ҳар икки томонга ҳам маъқул тушди. «Микробиотех-комплекс» деб аталувчи корхона ташкил этилди. Ишлар юришиб кетди. Ҳиндистонлик ишбилармонлар эришилаётган натижалардан мамнун.

### МИЛЛАТДОШЛАРИМИЗ ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

ТУРКИЯнинг «Уком» миллатлараро иқтисодий алоқалар, савдо ва тижорат фирмаси раҳбари Исмоил Бешимтош бошчилигидаги бир гуруҳ ишбилармонлар республика пойтахти ҳаёти билан танишаяптилар. Меҳмонлар маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси қошидаги «Шифобахш» фирмаси раҳбарлари билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик қилишга келишдилар. Бир сўз билан айтганда, хорижийлар Ўзбекистонда иқтисодий таназзулнинг тезроқ барҳам топишига ёрдамлашмоқчи.

### ТЕАТР-ТОПИШМОҚ

ОПЕРЕТТА театри артистлари испан драматурги Ло Пе де Веганинг «Новичка» асарини саҳналаштиришганди. Яқинда мусиқали спектаклнинг премьераси бўлди. Артистлар хорижий тилда сўзлашдилар. Томошабинлар ҳам шу тилда олқишлади. Асарга Л. Бессарабова режиссерлик қилган.

Бу оперетта театри қайси хорижий мамлакатники экан, дея ҳайрон бўлманг, у Тошкентнинг Волгоград кўчасида жойлашган.

Исматулла ТОШЕВ.

